

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 90 (65966)
1996 йил, 4 декабрь, чоршанба

Сотувда эркин
нархда

Бир ҳафта янгиликлари

КЕЛАЖАК БИЗНИКИДИР

Бугунги кунда бутун дунёнинг назарига тушаётган жонажон юртимизнинг буюк истиқболи фақат тинчлик биландир. Эҳсонлари чексиз булган тинчлик барча миллат ва элатларнинг мангу таянчидир. Азалдан биродарлик ва тинчлик туйғуларини юрагида жо этган ўзбек миллатининг ҳам ягона орзуси — Ватан хотиржамлигидир. Озодлигини қўлга киритган, мустақиллик йўлидан бораётган халқимизнинг келажаги ёруғ. Шу ёруғ йўлнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида юртбошимиз И. А. Каримов 1 декабрь куни Португалия пойтахти Лиссабонга жўнаб кетди. Барча нуфузли мамлакатлар қатори Ўзбекистон ҳам Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотига аъзодир. Мазкур ташкилотнинг навбатдаги кенгаши «XXI аср хавфсизлик моделини ишлаб чиқариш» хусусида бўлиб ўтди.

Юртбошимиз жўнаб кетаётган, мухбирлар билан қилган суҳбатда: Бу кенгашда қатнашиб, халқнинг манфаатлари йўлидаги мақсадларни амалга ошириш учун ҳаракат қилишни айтиб ўтди. «Айни пайтда, — деди у — хавфсизлик кафолатини олиш, Европада жойлашган мамлакатларнинг сармоясини Ўзбекистонга олиб келиш, инспонпарварлик, демократия, давлат тажрибаларини улаштириш, Ўзбекистоннинг қудратини, обрусини, кенг жаҳон олдидан янада ошириш қабилар бу кенгашдан қўзланган асосий мақсадларимиздир».

Суҳбат орасида юртбошимиз Орол фожиаси, бутун дунёни ларзага солаётган ядро қуролининг олдини олиш, қўшни мамлакатларда бўлаётган урушлар хусусида ҳам бу кенгашда тўхталиб ўтишни таъкидлаб ўтди.

Юртбошимизнинг Ватанимиз, халқимиз хотиржамлиги йўлида қилаётган савий-ҳаракатлари албатта келажакнинг ёрқин уфқларини очажак.

Болалар бахти, оналарнинг саодати булган — тинчлик туғи Озод Ўзбекистонимиз юрагида мангу яшнаб турар экан, биз ёруғ эртанинг авлодлари шу Ватанга муносиб фарзандлар бўлмоғимиз керак. Зеро, келажак бизникидир.

БЕДАВО ДАРДГА ҚАРШИ

Утган ҳафтанинг энг эътиборли кунларидан бири якшанба — 1 декабрь бўлди. Чунки бу кун дунё миқёсида СПИД касаллигига қарши кураш кунидеб эълон қилинган эди. Тошкентнинг Чилонзор туманидаги 188-урта мактабда шифокорларнинг ўқитувчи ва ўқувчилар билан бўлиб ўтган мулоқотда СПИДга қарши кураш маркази раҳбари Собир Усмонов бу касалликнинг ҳозирги пайтгача давоси тошлмагани, шу кунгача жаҳон бўйича 22-миллион одам унга йулиққани, хасталик асосан, ёшлар орасида учраётгани ҳақида гапириб, ундан эҳтиёт бўлиш кераклигини айтди.

«БОИНГ» САМОЛЁТИНИНГ ТАШРИФИ

Америка Қўшма Штатларининг Сизтл шаҳридан кутарилган самолёт Тошкент аэропортига келиб қўнди. Уни қўлчилик пойтахтликлар қувонч билан кутиб олди. Самолётга зарҳал ҳарфлар билан «Ўзбекистон» деб ёзилган бўлиб, юртимиз байроғининг сурати туширилган эди. Бу темирқанот қўш дунёда машҳур «Боинг» самолётидир. Энциликда ўзбек ўқувчиларига тақдим этилган бундай самолётлар днєримиз номидан жаҳон кезади.

ЎЗГАЧА ФАЙЗ БИЛАН

Кеча мамлакатимиз миқёсида ногиронлар кунинишонланди. Айниқса, пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманида жойлашган ногирон болалар махсус мактаб-интернатида бу кун ўзгача файз билан ўтди. Интернат тарбияланувчилари бу ерга меҳмон бўлиб келган халқ таълими ходимлари, шифокорлар ҳузурда қўшиқ ва шеърлар айтишди, рақс ва театрлаштирилган томошалар курсатишди. Меҳмонлар кеча сунгидеки интернат жамоасига уз совғаларини топширишди.


Обуна — 97

МУАММО ЙЎҚ

«Бекорчидан худо безор. Бўйинг дордай бўлибдию,»...

Ойимнинг айтган бу сузлари менга қаттиқ таъсир қилди. Синфдош дўстим Ҳумоюн билан туманимиздаги тайёрлов бўлимига бордик. У ерда биз тайёр тахталарни миҳлаб яшиқлар ясай бошладик. Иш унча оғир эмас экан. Натижаси ҳам ёмон бўлмади. Меҳнат ҳақимизга узимиз учун керакли ўқув қуроллари сотиб олдик. Энг муҳими, «Тонг юлдузи» газетасига обуна бўлдик. Дўстларимиз олдида кундаланг буладиган масала — обуна учун пул топиш бизга энди муаммо эмас.

Шаҳриёр ЗИКРИЛЛО ўғли,
Андижон вилояти.



«ТОНГ ЮЛДУЗИ» — ҚАЛБ КЎЗГЎСИ

Истиқлол туфайли янги ном олган «Тонг юлдузи» менинг ҳам энг севган нашрларимдан. Яқинда республика газеталари: «Ўзбекистон овози», «Қишлоқ ҳаёти», «Маърифат», «Маҳалла»ларда эълон қилинган мақолалар ҳам газета ҳақидаги фикрларимни яна бир бор тасдиқлади. Дарҳақиқат, унинг саҳифалари ранг-баранг ва қизиқарли бўлиб бормокда. Шоғирдларим ҳам, узим ҳам унинг ҳар бир сонини орзиқиб кутамиз. Саҳифаларини диққат билан ўқиймиз, мактабда, уйда, кўчада, маҳаллада фаолиятимиз учун нимайки зарур бўлса, барига жавоб оламиз. Ёш қаламкашлар ёзган шеър, ҳикоя, мақолаларни ўқиб, узимизга хулосалар ясаймиз, баҳс-мунозараларга киришамиз. Демак, «Тонг юлдузи» устозларнинг ҳам, шоғирдларнинг ҳам қалбига дадил кириб борган газета десак, хато бўлмайди.

Юқоридагиларни гапиришдан муддаом шуки, биз ҳам узимиз учун азиз булган газетамизга биригчилардан бўлиб обуна бўлдик. Келажак умиди азиз ўқувчиларимиз, фарзандларимизнинг қалб кўзгуси булган «Тонг юлдузи» ходимларига ҳам ижодий баркамоллик тилайман ва барча ҳамкасбларим ҳамда ўқувчиларни шу газетасига обуна бўлишга чақираман.

Зиёда РАЖАБОВА,
Бухоро вилояти, Жондор туманидаги
37-мактаб ўқитувчиси.

Гўзаллик оламида

ТАНГА ЁҚҚАН КҮН

Аббос Бакиров номидаги Андижон Давлат болалар театри жамоаси драматург Жўра Маҳмудовнинг «Самодан танга ёққан кун» деб номланган янги асарини ёш томошабинларга ҳавола этди. Халқ эртаклари асосида саҳналаштирилган спектаклдан қувноқ куй-қўшиқлар ҳамда рақслар жой олган. Мусаввир Машрабжон Ҳамидов томонидан ишланган саҳна безаклари асар руҳиятига ниҳоятда мос. Асосий ролларда Сардоржон Валиев, Бахтиёр Мадраҳимов, Раҳматилла Уринов, Сойибжон Мирзасев, Воҳиджон Турдиев ва бошқалар банд.

ҚУВНОҚ БОЛАЛИК ҚЎШИҚЛАРИ

Бухоро шаҳар, Ибн Сино номли маданият саройининг «Куча болалари» ашула ва рақс жамоаси тенгдошларига «Қувноқ болалик қўшиқлари» деб номланган янги дастур тўхта этдилар. Шаҳардаги мактаб ўқувчилари ва болалар боғчалари тарбияланувчиларидан иборат мазкур даста бир неча йиллардан буён ёшларда санъатга меҳр уйғотиш билан бирга иқтидорларини оширишга ҳам кумак бераёпти. Ансамблнинг навбатдаги дастурида бахтли болалик, истиқлол фарзандларининг қувончу шодликлари акс эттирилган. Ёш санъаткорларнинг бадиий раҳбари Александр Шарипов.

ОЗОДЛИК УЧУН ҚУРАШГАНЛАР

Маргилондаги миллий хунармандчилик лицейи ҳаваскорлар театри ижодий жамоаси Файзулло Хужасев таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб театрлаштирилган томоша намойиш этдилар. У «Улар озодлик учун курашганлар» деб номланади. Жамоа раҳбари Комилжон Ёқубов саҳнага олиб чиққан асарда бобокалонимиз Файзулла Хужасевнинг ҳаёт йули, озодлик учун олиб борган курашлари ҳақида ҳикоя қилинади. Асосий образлари Одинахон Орипова, Саиджаббор Равшанов, Иброҳимжон Тожибоев ва бошқалар яратилган.

Салоҳиддин СИРОЖИДИНОВ.

«ҲИЛОЛ» — ТОП КАМОЛ

«Ҳилол»... Бу — бизнинг билимгоҳимизда ташкил этилган фольклор-этнографик дастасининг номи. У мактабда, туман, вилоятда утказилган курик-танловларда совринли уринларни эгаллаб келаяпти. Яқинда Қашқадарё вилояти мактаблари уртасида утказилган қўшиқ мусобақасида иккинчи уринни олди. «Ўзбекистон — Ватаним маним» беллашувида ҳам фаоллик курсатдик.

Мен ҳам мусиқа санъатида қизиққанам сабабли шу гуруҳга аъзо булган эдим. Уйда Зилола опам, мактабда устозларим Файзулла Турсунов, Ҳусан Орзиқуловдан таҳсил олаяпман. Арабча, ўзбекча, ҳиндча рақсларни ургандим. Келажакда эл суйган санъаткор бўлишни орзу қиламан.

Ҳилола ЭШОНКУЛОВА,
Қашқадарё вилояти, Усмон Юсупов
туманидаги Норча Нуриддинов номли мактаб
ўқувчиси.

Тошкент шаҳар Шайхонго-хур туманида жойлашган Алишер Навоий номи 40-лицей синфли мактабни «орзулар маскани» деб аташлари бежиз

ОРЗУЛАР МАСКАНИДА

эмас. Чунки унда таҳсил олаётганларнинг дилида орзулари мул, ойдин мақсад йулида тинмай изланадилар. Бунинг учун эса барча шароитлар муҳайе. Синф хоналари, фан кабинетлари, спорт зали ва кутубхона замонавий жиҳозланган. Машгулотлар «Правец», «Кувайт», «Ямаха» компьютерлари урна-тилган махсус хоналарда утилади.

1991—92 уқув йилида мактабда таянч мактаб дастурини табақалаштириб ўқитишга ути-

лиши муносабати билан иқтидорли, урта, тенглаштирувчи синфлар ташкил қилинди. «Алифбе» сиз ўқитиладиган махсус синфларда мактаб ва боғча

ҳамкорлиги яхши йулга қуйилган. 3-босқич ва таянч мактабнинг 8-, 9-синф ўқувчилари математика ва информатика, ўзбек тили ва адабиёти фанлари йуналишида таълим олмақдалар. Ўқувчиларнинг билими рейтинг тизими асосида баҳоланади.

— Мактабимизда 9-, 10-, 11-синфлар, яъни 3-босқич ўқувчилари лицей синфлари саналади, — дейди мактаб директори Баҳодир ака Каримов. — Республика-мизда ихтисослашти-

рилган лицей синфли мактаблари талайгина булиб, уларда олий ўқув юртлари билан ҳамкорликда, маълум йуналиш буйича лицей синфлар ташкил қилинган. Лицей синфларнинг оддий синфлардан фарқи — бу синфларда мутахассисликлари, йуналишлари буйича махсус курс еки фанларнинг ўқитилишидадир.

Фикримча, лицей синфларда фан услуб бирлашмалари урнига фан кафедралари ташкил этилиб, ўқув тарбия жараёни ташкил қилинса, мақсадга мувофиқ буларди. Ахир мактабларимизда қайсидир йуналиш буйича уз иш услуби, билим куникмалари, ўқувчиларга эътибори билан ажралиб турадиган ўқитувчиларимиз жуда кўп. Ам-

мо ҳозир мавжуд мактабларда ҳам ўқувчиларни илмга интилишларини замон талаблари даражасида деб булмайдим. Мактаблар учун керакли адабиётлар ҳам етарли эмас. Сунгги беш йил ичида уларнинг моддий-техника базаси умуман бойитилмаган. Мавжуд таянч мактаби, лицей, гимназия мактаблари билан рақобат қила оладиган мактаблар йўқ...

Шу ўқув йилида 40-лицей синфли мактабни гимназияга айлантириш кузда тутилган. Шунингдек бу йил мактабнинг ташкил қилинганига 60 йил тулади. «Орзулар маскани»нинг мураббий ва ўқувчиларини байрамлари билан қўглаймиз.



Гулором МАШАРИПОВА, Тарих фанлари номзоди, Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими.



Либосларни кийганининг ҳам, кўрганнинг ҳам кўзини қувонтиришда бичувчининг роли катта. Демак, бичувчида мусаввирнинг нозик диди, шоирнинг ижодкорлиги, муҳандиснинг аниқликка интилиши ва бошқа кўп фазилатлар бўлиши зарур.



Мавлуда ҳар гап қўлига бичиш учун янги матони олар экан, устозининг юқоридаги насихатлари қўлоғи остида жаранглайди. Мураббий ўғитларига доимо амал қилган шогирд эса ҳеч қачон кам бўлмайди, эл назаридан тушмайди.

«Ўзбекистон» ательесининг ёш чеварлари бичувчи меҳнатини асл ҳолича рўёбга чиқариш тикувчиларга ҳам боғлиқ эканлигини жуда яхши билишади.

Х. ТОШМУҲАМЕДОВ олган суратлар.



Бир мактабдан икки мактуб

ИСТИҚЛОЛ: НУРЛИ ИСТИҚБОЛ САРИ

Шаҳрингиз ҳақида нималарни биласиз? Унда яшаб, ижод этаётган шоир, мусаввир, бастакорлар фаолияти билан танишмисиз?

Билим масканимизда утказилган «Истиқлол: нурли истиқбол сари» шиори остида адабиёт ва санъат куниди шу саволларга жавоб берилди. Байрам тусини олган тadbир иштирокчилари истеъдодли мусаввир Раҳмонхон Мирзаев, Зафар Исомиддинов, ижодкор ўқитувчилар, «Туркистон — умумий уйимиз» V Республика анжумани голиби Собир Жаббор, Маҳмуд Валихон ҳамда Баҳодир Аминовлар

ижодий фаолиятдан баҳраманд булдилар. Шаҳардаги «Сарвиғул» халқ дастасининг бадий раҳбари, моҳир бастакор Рафиқжон Аҳмедов ижро этган «Насруллоий» куйи йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Қўқон Давлат муаллимлар олийгоҳининг ўқитувчиси, олим, бастакор қўшиқчи Назиржон Назаров, шаҳар «Маънавият ва маърифат» маркази раиси Алишер Собиров, «Шунқарбий» ширкати раиси Насимхон Қажумов барчани қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

Санобархон ОЛИМОВА, Қўқон шаҳридаги Амин Умарий номи мактаб ўқитувчиси

ШАХМАТ СУЗЛАРИ ОЧИЛСА

Бутаклиф мактабимизда утказилган бир учрашувда айтилди. Ушанда бу ерга таниқли шахмат устаси Мамажон ака Муҳиддинов, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов, «Роҳат-Н» хусусий фирмаси раиси Нуриллохон ҳожи Абдуллаевлар келинган эди. Уларнинг ташрифи сабабларидан биринчиси машҳур шахматчи Пулатхон Саидхон хотирасини ёдга олиш булса, иккинчиси ўқув-тарбия ишлари билан танишиш эди.

Меҳмонлар аввал утгизинчи йилларнинг уста шахматчисига бағишлаб тайёрланган стенд билан танишдилар, сунг билим даргоҳининг собиқ ўқувчилари Амин Ума-

рий, Усмон Носир каби улмас инсонлар номини ҳурмат билан тилга олдилар. «Хотира китоби»га дил сузларини ёздилар.

— Пулатхон ака Ўзбекистонимизга танилган шахматчи булган экан, сизлар ҳам у кишидек ватанпарвар инсон булиб етишишингизга ишонаман. Шунинг учун мактабда шахмат синфлари очилса айни муддао булур эди, — дедилар учрашув сунгида Нурилло ҳожи Абдуллаев.

Бу сузлар мактаб жамоаси ва йиғилганларга маъқул булди.

Собир ЖАББОР, Қўқон шаҳридаги Амин Умарий номи мактаб ўқитувчиси.

Бизга ёздилар

ТОЛЛИМАРЖОН шаҳри. Аҳмад Яссавий номидаги мактаб кутубхонаси шу кунларда ўқувчиларнинг энг севган масканига айланган. У ерда утказилаётган «Тил — дил калити», «Китоб қадри», «Буюк бобокалонларимиз», «Юксак маънавият сари», «Фитрат — буюк сиймо», «Файзулло Хужаев» сингари кечалар болаларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Бундай тadbирларни кутубхоначилар Шарофат Муминова, Қурбонгул Холмуродовлар ташкил этишмоқда.

Файзулла ЭШКУЛОВ.

ДЕҲҚОНОБОД тумани. Умар бахши Сафаров номи мактабда ҳар куни болаларни қизиқтирган бир янгилик руй беради. Мусиқа тугарагининг иш бошлаши ана шуларни-

нг бири. Ёш санъат ишқибозлари бу ерда турли хил миллий мусиқа асбоблари чалишни урганадилар, нота белгиларидан ҳам дастлабки сабоқни оладилар.

Дилноза БЕГИМҚУЛОВА.

ҚУҚОН шаҳар маданият уйида «Қувноқлар ва зукколар» беллашуви булиб утди. Унда физика ва математикага ихтисослашган 32-мактаб ўқувчилари командаси голиб чиқди. Биринчиликни олган зукколар ҳамда фаол иштирокчиларга вилоят ҳокимлиги томонидан телевизор, радиоприёмник, биллур қандил каби эсдалик совғалари топширилди.

Дилфуза АМИНОВА.

БИРОВНИНГ СЎЗИ ЯХШИ, БИРОВНИНГ ЎЗИ ЯХШИ

Кулимдаги суратда бахтиёр инсонлар: туришларида виқор, юз-кузларида бахт «нашбаси, ҳаёт хузур-халоватларидан мамнунлик, оила бахти мана мен деб кузга ташланган. Жажжи чақалоқ - жондан азиз фарзандига нисбатан ёш ота-она кузида адоқсиз меҳр ёқини. Кузлари мунчоқдек гудак хурсандлигининг ҳам чегараси, бахтиёрлигининг адоғи йўқлай.

Ҳа, баъзи суратларда бахтиёр дамлар мангу муҳрланиб қолади.

Аммо баъзи суратларда муҳрланиб қоладиган бу бахтиёрлик суратлардагина қолади. Ҳаётда эса...

Бу оила ҳам ҳаётда бир қоқилди. Ёмон қоқилди. Тугри, турт оёғи булатуриб от ҳам қоқилди... Аммо отнинг қоқилиши фожиа эмас-да.

Суратдаги чақалоқ улгайиб 5-синфга утунга қадар ота меҳрию, бахтидан бебаҳра қолди.

Хайриятки, шу йил бошларида эр-хотин ярашди. Фарзанднинг кунгил кемтиклари тулди. Дил жароҳатлари битди.

Оила яна бахтиёр оилага

айланди.

Бахтиёр оила эсдалик учун яна бошқатдан муъжазу-муъжиза суратга тушишди. Бахтиёрлик сурати яна муҳрланди.

Уша суратдаги бахтиёр чақалоқ (Маҳбуба Сулаймонова) бугун «Тонг юлдузи» нинг жамоатчи муҳбирларидан бирига айланди. Бу бахтли қизча тушундики;

Бахтиёрман деган биргина

сўзни,

Айтмоқ учун керак қанча

куч, чидам,

Гарчи бахт сўзларнинг энг

ёқимлиги,

Гарчи турса ҳамки, тилининг

учида.

(Ш. Раҳмон)

Бу қиз узининг энг бахтли ку-

ни деб отаси унга 600 сум пул берган кунни эмас, балки ота-онанинг ярашган кунини ҳисоблайди. 600 сум пулни эса...

Шунча пулни бу қизча нима

ларга, тахририятга юбораянман. Шу пулга тахририятнинг назоратида бўлган, фақат ночор, ёки илгирон ижодкор тенглошимни келгуси 1997 йилга қадрлон «Тонг юл-



қилдийкин дейсизми? Қизиқаян-сиз албатта. Яхшиси, Маҳбубадан яқинда редакциямизга келган хатни эътиборингизга ҳавола қилайлик:

Меҳрибон Умида она!

Дадам, онам ва етти ойлик чақалоқ менинг суратим, сизга эсталикка берилган. Ҳозир сурат шу қадар аҳамиятли, самонинг еттинчи қаватдаги тонг юлдузи шуъласидек завқлики, илойим сурат ҳам, тонг юлдузи ҳам инсоннинг, айниқса, бегубор болаларга меҳр-оқибат, вафо бахш этишини сира тарқатмасин.

Дадам берган 600 сум пулни сиз-

дузи» газетасига обуна қилсангиз. Маҳбуба СУЛАЙМОНОВА, Фарғона вилоятининг Учкўприк туманидаги 20-ўрта мактаб, 5-синф ўқувчиси.

ТАХРИРИЯТДАН:

Маҳбубахоно!

Мусаффо осмонимиз осетида, давлатимиз соясидида, қудратли ҳумо қуши қаноти паноҳида ҳар бир инсон умид билан яшамоқда. Сенинг муруватинг бизни тўлақиллаштириб юборди.

Доимо шундай сахий ва самимий бўлгин, деб сенга-ю, ота-онанга тинчлик, омонлик, оилага бахту-барака тилаб қоламиз ва сен сабаб бўлиб ота ва онасидан йироқда яшайтган Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, 2-Чимбой кўчаси, 115-уйда жойлашган 100-мактаб-интернати ўқувчиларини «Тонг юлдузи»га обуна қиламиз. Зора, дардли диллар ёришса. Умид ва руҳ дармонга кириб, дилларда яшаш завқи уйғонса!

Шавкат Раҳмон деган назик таъб, самимий, гўзал шоиримиз бор эди. Ўзбек шеърининг ўзининг ёниқ шеърлари билан бойитгаётган бу мағрур шоирни орамиздан ажал бевақт олиб кетди. Азиз болалар, сиз Шавкат Раҳмоннинг «Рангин лаҳзалар», «Юрак қирралари», «Очиқ кунлар», «Гуллаётган тош», «Уйғоқ тоғлар», «Хулво» каби китоблар орқали яхши танийсиз. Ижодкор опангиз Халима Аҳмедова Шавкат Раҳмон билан ишлаган кезларида шоирнинг нафақат шеърляти, балки орзу нияти, инсонийлик хислатларини ҳам ўзича кашф этди. Унинг чизгилари сабаб сизни бу бегубор шоир билан чуқурроқ таништиришга жазм этдик. Насиб этса у ҳақдаги хотираларни ҳам ўқийсиз.

«ЖИСМИМНИ КУЙДИРИБ УЧАР ОВОЗИМ...»

Баъзи шоирлар бор, болаларга шеър бағишлайди, зеро, улар болаларга УЗИ ни бағишлаган булади...

Г.Х. АНДЕРСЕН

Тоғлар улугвор булади, тоғлар камтар, ростгуй булади. Уша «буоқ тоғлар салтанатида»ги «баҳайбат япроқлар диёри» Ушининг ёруғ осмони, уйғоқ ери, тирик табиати, шунингдек, Шавкат Раҳмони бор эди. Алҳол, Шавкат Раҳмон руҳи уша осмон қабридан, жисми уша ер бағридан, овози уша табиат кучоғидан, шеърлари эса Сизу бизнинг юрагимиздан жой олди. Нега? Чунки, Шавкат Раҳмон ростгуй инсон эди. Унинг ростгуйлигидан ёмон одамлар ҳайрон, яхшилар хотиржам эди. У яхшиларни ҳам, ёмонларни ҳам бирдек курарди. «Ешларни қўлаш керак!» дерди умрида кузи тулиб еш курмаган, узи еш булиб курмаган аммора нафс бадаларига. Бу ростгуйлик унга фойда келтирмаслигини жуда яхши биларди. «Уз ихтиёри билан» ишдан кетарди, бироқ, у ишлаган жойларда унинг рост сўзлари қолаверарди. Унинг ростгуйлиги «ҳар бир дақиқани газаб билан, севги билан тулдириб» яшамоғига имкон берарди, унинг КЕЧАСи кечадан, БУГУНИ бугундан, ЭРТАСИ эртадан хижолат бўлмаслиги учун жонини ҳам беришга тайёр эди. Тоқим,

... бош кутариб қарай қўеяган, тоқим, кузларимда ёнсин ҳақиқат, тоқим, тош мисоли тегмасин бошга мен яшай олмаган

Ҳар бир дақиқа.

У ҳар бир дақиқада, дақиқаларда эса унинг ҳар бир нафасида тиним билмай яшади. Унинг кузлари гоҳида ёшга, гоҳида оловга тулди, унинг бағри гоҳида дустга, гоҳида ҳасратга тулди, унинг юраги гоҳида севинчга, гоҳида дардга тулди. Унинг осмони ойга, «узга дунёларнинг даричалари»дай юлдузларга тулди, унинг кунлари «узгалар гуноҳи учун ернинг юзига юзини босиб, силкиниб-силкиниб йиғлайдиган кунларга тулди, аммо унинг КУНГЛИ тулмади. Зеро, у «мозий қабридан чўзилган саноксиз, ожиз қўллар»га ердан беролмаслигидан хижолат чекарди, «қуёш даласида эгилганларнинг оғирини енгил» қилолмаганидан уқинарди. Шунинг учун

Мендан нима қолур, абдий нурлар барқ уриб яшнаган дунё томонда? Уриниб-суриниб, сира тулмаган бир кунгил қолади қолса ҳам мендан.

Шавкат Раҳмон алдамади, оламни тулдириб, узид эса тулмаган Кунгил қолди. Унинг дунедан эмас, дунёда унинг Кунгли қолди. Шавкат Раҳмон тоғлардай камтар, тоғлар каби ростгуй эди...

Шавкат Раҳмон тоғлардай мағрур, тоғлардай раҳмдил эди. Унинг шундоқ кафтида узининг уйғоқлигини ҳис этган тоғлар эса чинданам шавкатли эди. Тоғлар ичра Шавкат Раҳмоннинг юраги тоғдай қуядиларди. Тоғлар эса унинг тоғдай кутарилган юра-

гининг бир парчасига айланганди. Шу боис, у пастда туриб юксакликка бош эгмади, у юксакларга чиқиб, пастга бош эгди. У Ватанини англаш азобининг лаззатидан гурурланди. У улугдан-да улуглиги англамаган ҳилқат қаърида етишни узига ҳам, узгаларга ҳам ор деб билди. Фақат, чуқур анланган она ернинг бағридагина у жарлик билан «бир куни қайтадан яралишини» башорат қилиб кетди. У «сузларнинг энг чиройлиги» Бахт калимасини «элдан бурун айтишдан» узини тийди. Зеро, ғам у билан бахтли эди. Ернинг жони эса унинг жонига уланган эди.

Ерим,
бор-будидан айрилган ерим,
жоним жонингдир -
ужар болангман,
Мен сенинг осмонга етмасдан тагин
бағринга гуп этиб тушган нолангман...

Шавкат Раҳмон бир шеърда Ватанини кечикиб англаганига жумарлик билан иқрор булади. Бу — Шавкат Раҳмонгагина хос камтарона иқрор эди. Аммо, у икки оёқли аллақандай касофатларнинг касри боис ишсиз қолиб, қизининг стипендияси билан оила тебратган кезларда ҳам юзини у жар табассум тарқатмади. Бу ифода Жоконданинг табассуми ёхуд Будданинг таровати эмас, улардан-да сирлироқ, улардан-да жозибалироқ, биз ҳали англаб етмаган, англаганда ҳам жуда кеч анланганидан табассум эди...

Шавкат Раҳмон тоғлардай мағрур, тоғлардай раҳмдил эди. Шавкат Раҳмон ер тағида бақувват дарахт илдиизи янглиг энг сунгги лаҳзанинг адабиятини кулимсираб қарши оларкан, унинг қирқ олтидан кейинги ҳаётини мен аён қуриб турибман. Бу ҳаёт «Рангин лаҳзаларда намоён, бу лаҳзалар «Юрак қирраларига сингиб кетган, юракнинг бу қирралари «Очиқ кунлар»да юз очади, очиқ кунлар «Гуллаётган тош»лар ардоғидан урин олган, гуллаётган тошлар еригида «Хулвор»лар усади, зовур қирғоқларида эмас, айниқса «Уйғоқ тоғлар»да усаган хулволарнинг буйи хуш, булакча булади.

Шавкат Раҳмоннинг қирқ олтидан кейинги ҳаёти Шавкат Раҳмон елкасидан тирикчилик ташвишини олган, қифтида ярим қоп уни кутариб, Дурмондаги дала-боғ ҳовлининг маънос йулларидан Қорасувга қараб ғамгингина кетаётган шавкатнафас Шохруҳда яшайди. Қизларида, аелида яшайди.

Шавкат Раҳмоннинг «бир парча осмондай пок хотираси» дустлар дилидан чуқур урин олди. У «гуманоидлар» дай пок эди, юраги гудакдай бегубор эди, шундоқ енгинамизда яшарди, биз эса уни сезмасдан яшагандаймиз. Назаримда кузакнинг иккинчи октябрига утар кечаси ва ундан кейингина унинг борлигини ҳис қилгандаймиз, унинг йўқлигини ҳам ушанда сезгандаймиз.

Ҳали Шавкат Раҳмон ҳақида кун гапирамиз. Унинг сунгги лаҳзадаги «Мен улмайман!» деганининг маъносини ҳам кейинроқ тушунамиз.

ОТАНГ РУҲИ
ҚУЛЛАСИН

Эй улим, ҳаммамизнинг борар жойимиз бирдир, илло руҳимиз аршиаълода учиб, хешу акраболаримизнинг юриш-туришидан доимо огоҳ булур. Отангдан айрилиб қолганингга ортиқча уқинма. Оллоҳ, сен қайғуришини лозим булган меҳрибон кишиларни бағринга қолдирган. Аканг булса, отанг урнида кур, анга фарзандлик бурчларини адо эт. Иниларинг бор эрса, аларга оталик қилиш сен учун ҳам фарз, ҳам қарз!

Абу Толиб ҳазратлари Чин элидан келган кишилар сузлаб берган куйидаги ривоятни сузлайдилар.

Бир одам учига чиққан каззобнинг зарбидан рихлатга равона булибди. Бу бечораҳол кишининг ун яшар уғлидан булак ҳеч кими йўқ, фақат унинг учун яшар, туну-кун меҳнат қилар экан. Фарзанд ҳам отасини сеवार, таълим олиш билан бирга буш вақтида отасига кумаклашаркан. Айрилиқ болада қаттиқ уч олиш ҳиссини уйғотибди. У уйидаги сотишга арзигулик буюмларни сотиб, тиғи уткир ханжар харид қилибди. Кучақуйда уша каззобни излай бошлабди. Уни бозорда, улфатлари даврасида қуриб, улдириш учун ташланибди. Бола ниятини амалга ошира олмабди. Даврадаги йигитлар чаққонлик билан болани ушлаб қолибдилар. Ҳокимнинг соқчи-навкарларига топширибдилар.

Вилоятнинг одил қозилари болани улим жазосига ҳукм этибдилар. Токи, қасддан одам улдиришининг, ёки шунга уринишининг жазоси ҳам қаттиқ булиши



бошқаларга урнақдир.

Ҳар бир улим ҳукми ҳокимнинг муҳри билан муяссар булар экан. Боланинг тақдири билан танишган ҳукмдор, бу ишни кейинга қолдириш, айбдорни эса, салтанатга келтириб, парвариш қилишни буюрибди. Орадан бир неча кун утибди. Воқеалар бироз унут булибди. Охириқибат боланинг гуноҳидан утибдилар.

Кунлардан бир кун ҳукмдор, акраболари билан овга чиқибди. Охуни қувиб, атрофдагилардан узоқлашиб кетибди. Оху изсиз гойиб булибди. Ҳукмдор охунинг кетидан от қўяётган пайтда оқ либосдаги чол пайдо булиб, қулидаги таёқ билан йулдини тусибди. Чучиган от орқага тисарилибди. Ҳукмдор аранг эгарда жон сақлаб қолибди. Бироз узига келгандан сунг:

— Кимсан? Нега йулдини тусдинг? — дея чолга ушқирибди. Чол хурккан отнинг тизгинидан ушлаб, олдинга юрибди. Катта жарликка ишора қилиб:

— Агар йулингиздан қайтармаганимда... Ҳукмдор отдан тушиб, чолга миннатдорчилик билдирай деса, ундан номнишон йўқ эмиш...

— Ҳой, лоақал кимлигингни айт, ҳаққингга баракат тилай... — дея қилинган мурожаатга жавобан жар тубилан:

— Қасос учун тиг кутарган боланинг отасиман. Илло, елгиз ёдгоримга омонлик қайтардинг. Мен ҳам сени улимдан асраб қолишни бурчим деб билдим... — деган акс-садо эшитилибди. Ҳукмдор саройга қайтиб, болани уз фарзандидек қуриб, алоҳида тарбият бера бошлабди.

Эй фарзанд, то тириксан, ҳар тонг бир рақат суралдан сунг отанг ҳаққига тиловат қил. Етти иқлим отанг руҳи қўлаб-қувватлайди.

Нозик мажлислар

Куз табиатни сап-сарик рангга буюйди. Бир қарашда у олтин либос кийгандай. Аммо бу либос яшилликка хотима, ҳамма нарсанинг сунгги бор эканлиги ҳақида табиат дарси эмасмикин? Ойнадан ташқарига қараганча шу каби ҳаёллар оғушида эдим. Машинанинг бехосдан силкиниши ва ёқимсиз гийқиллаши мени гангитиб қуйди. Узимга келиб қарасам, кучада ҳайдовчи бир болани силкиб-силкиб сукаятти. У эса, худди нажот кутгандек атрофга аланглайди. Ранги хазондай саргайган нимжонгина бу болага раҳмим келиб кетди. Ҳайдовчидан илтимос қилиб машинага чиқариб олдим. Унинг кузларига гуё ташвишу-ғам муҳрланиб қолгандай эди. Бола назаримда менинг адабимни беради деб қурқаетгандек эди.

— Исминг нима?
— Зафар. Светофорда тухтаган машиналарнинг ойнасини юваётувдим.
— Ойинг биладими?
— Ойим бетоблар. Қишда автомашина уриб кетиб, туrolмайдиган булиб қолганлар.
— Даданг-чи?
— Билмадим. Бир куни уйдан чиқиб кетганларича қайтиб келмадилар. Кейин кийим-кечакларини олиб кетдилар. Дардан сунг нон-чой учун озгина пул ишлайманми, деб кечгача ҳайдовчиларнинг қулига қарайман. Аввалига синфдошларимдан уялардим, энди иложим йуқ... Баъзида синфдошларим ҳам, қушнилариимиз ҳам мен йуқлигимда ойимга қараб туришади.

ДАДА, АЙТИНГ,
НЕДИР ГУНОҲИМ?

— Қайси мактабда ўқийсан?
Зафар менга галати қаради. Кафтига тирноқлари билан чизганча анча вақт жим қолди.
— Ўқишларим яхшимас. Кечалари ухлаб қоламан.
— Даданг-чи? Уларни курсанг танийсанми?
— Дадамнинг қиёфасини унутмаганман.
— Агар сенга даданг учраб қолганларида нима деган булардинг?



— Дадамни курсам... Дадамни курсамми?
Зафарнинг кузларида ёш қалқди. Мен бемаврид бериб қуйган қалтис саволимдан узим ҳам ҳижолат булдим.
— Дилингни оғритмоқчи эмасдим Зафар...
— Ҳечқиси йуқ. Илтимос, машинани тухтатинг. Шу ерда тушиб қоламан.
Мен унинг орқасидан қараб қолдим. Наҳотки, тақдирнинг кучи шу мурғакка етган булса? Нима учун Зафар ҳам ўз тенгдошлари каби уйнаб-қулиб юрмайди? Унинг дадаси не ишлар билан «банд» экан? Наҳотки ўғли ҳақида ҳечам уйламаётган булса?

Уйга қачон, қандай етиб келдим, билмайман. Хонанинг иссиққина тафти юзимга урилганида кунглим ҳануз ғаш, дилим ҳануз вайрон эди.

Эзилган қалбимни бир савол қийнар,
Кўкдаги кўёшга етмайди оҳим.
Онам юрагини дард-алам ўртар,
Дада, айтинг, недир менинг гуноҳим?!
Тунлар онам йиғлар кўксига уриб,
Сезаман, қалбида ниш отар заҳм.
Наҳот тошбағирсиз, келмайсиз қайтиб,
Дада, айтинг, недир менинг гуноҳим?!

Шу сатрларни ёзишга ёзиб қуйдим у қайта ўқишга юрагим дов бермади. Ташқарига чиқиб, ҳовлини супуракман, бирдан эгим жимирлаб кетди. Ахир мен хазонларни супурадим... Зафарон хазонларни... Эрга-индин кузнинг бу сунгги белгилари ҳам учди. Ҳайкаллар устига қор ёғади. Тавба, вақт бунчалар тез утмаса... Галати бола экан Зафар... Нега унинг исми Зафар? Балки, Зафарондир? Тақдир шамоли учирган, дарахтдан чирпираб узилаётган хазонларга ухшаш зафарон умр қисмати бу ёруғ дунёда қандоқ кечаркин? Тилимда шеър сатрлари айланарди: «Дада, айтинг, недир менинг гуноҳим?»

Озода ТУРСУНБОЕВА.

Тенгдошларинг
ижоди



ТЕМУР БОБО

Гар инсон ўзлигин айласа барбод,
Келажак сари у кўёлмас қадам.
Боболар, момолар руҳин этса шод,
Орзуси кўкларга буй чўзар илдам.


Ўзлигин унутмас ўзбек фарзанди,
Ўғлони мард, жасур, Темур авлоди.

Йўлида йўлдошдир Алпомиш ёди,
Муқанна, Широқнинг у зурриёди.


Сиз ўша жон фидо Темур авлоди,
Юртим деб, элим деб жон бергансиз, жон.

Ўзбекнинг соф қони, покиза зоти,
Дунёмиз тургунча туринг соғ-омон!

Дилбар ОЧИЛОВА,
Сирдарё вилояти, Сирдарё туманидаги Ҳамид Элмуродов номли мактабнинг 11-синф ўқувчиси.



Бу суратда сизу биз билан ёнма-ён, бир осмон ости, бир ер устида яшаётган жониворлар тасвири акс этган. Ёш табиатунослар! Қишда улар қандай, қаерда паноҳ топадилар? Агар бизга ёзиб юборсангиз, энг яхши жавоб муаллифларини «Тонг юлдузи» нинг сирли совғаси-кутади.



ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ КҮМИТАСИ

Бош
муҳаррир
Умида
АБДУАЗИМОВА

Таҳрир хайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Омон МАТЖОН,
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,
Марат ШАФИЕВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА.

ИВМ компьютерида терилди ва
сахифаланди. Офсет усулида
босилди. Ҳажми 1 босма табақ
Буюртма — Г-0709.
7691 нусхада босилди.
Қоғоз бичими — А-3.
Босишга тошпириш вақти 19.00
Тошпирилди — 18.30

• Рўйхатдан ўтиш тартиби
№ 000137
• Мавзиви: 700083,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси,
32-уй.
• Нашр кўрсаткичи: № 64563
• Телефон: 33-44-25